

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоибад қилган 3 кимса



18:10 / 18.05.2018 8324

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Номим зикр қилинганда менга салавот айтмаган кимсанинг бурни ерга ишқалансин. Рамазон кирса-ю, сўнгра ой чиққанда гуноҳи мағфират қилинмаган кимсанинг бурни ерга ишқалансин. Ҳузурида ота-онаси қарилик ёшига етса-ю, уларнинг хизматини қилиб, жаннатга кирмаган кимсанинг бурни ерга ишқалансин**», дедилар. Яъни ота-онасига хизмат қилиб, уларнинг дуоларини олмаган бўлса, бундай фарзанд хор бўлсин.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга чиқиб, «**Омин**» дедилар. Сўнгра яна бир поғона кўтарилиб, «**Омин**» дедилар. Сўнгра яна бир поғона кўтарилиб, «**Омин**» дедилар. Муоз розияллоҳу анҳу у зотдан бунинг сабабини сўради. У зот айтдилар: «**Жаброил келиб: «Эй**

Муҳаммад! Ҳузурида номингиз тилга олинганда сизга салавот айтмай, ўлган ва дўзахга тушган кимсани Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин. «Омин» деб айтинг», деди. Мен «Омин» дедим». «Рамазонга етиб, ундан (рўзаси ва бедорлиги) қабул қилинмай ўлган ва дўзахга тушган кимсани Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин. «Омин» деб айтинг», деди. Мен «Омин» дедим. «Ота-онаси ёки улардан бири ҳаёт бўлса ва уларга яхшилик қилмай ўлган ва дўзахга тушган кимсани Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин. «Омин» деб айтинг», деди. Мен «Омин» дедим».